Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 2 декабрь, пайшанба • № 143 (25.538).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти юксалмоқда

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган сармоя ҳажми ошиб, чет эллик шериклар билан биргаликда барпо этилаётган қўшма корхоналар сони кўпаймоқда. Куни кеча Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилувчи ана шундай корхоналардан яна бири фойдаланишга топширилган эди. 1 декабрь куни «Кабул-Ўзбек Ко» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасига қарашли мазкур улкан ишлаб чиқариш мажмуининг расмий очилиш маросими бўлди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари бу йил юртимизда кўплаб иншоотлар бунёд этилганини мамнуният билан қайд этар экан, улар орасида Жанубий Кореянинг «Кабул текстайлз» компанияси билан ҳамкорликда барпо қилинган мазкур ишлаб чиқариш корхонаси алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Унинг энг замонавий техника билан жиҳозлангани, асосан экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариши, кўплаб маҳаллий кадрларни иш билан таъминлагани хориж сармоясининг мамлакат иқтисодиётини тараққий эттиришда нечоғли муҳим аҳамият касб этишини яна бир карра яққол намоён қилишини қайд этди.

Мазкур иншоотнинг ишга туширилишини мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги муҳим янгилик, дейиш мумкин. Зеро, мамлакатимиз дунёда пахта етиштириш бўйича тўртинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради. Айни пайтда пахта хомашёсининг 25 фоизигина ўзимизда қайта ишланади. Ваҳоланки, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяптики, дейлик, хомашёдан бир сўм даромад олинса, тайёр маҳсулотда бу рақам 6-7 сўмгача етади. Бу пахтани қайта ишлаш соҳасини ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо қилади.

Яна бир омил — аҳолининг бандлиги, деб таъкидлади Ислом Каримов. Енгил саноат халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан фарқли ўлароқ, анча меҳнатталаб. Яъни, кўпроқ иш кучини талаб қилади. Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан зиёдроғи эса қишлоқ жойларда яшайди. Уларни шу ернинг ўзида ёки яқинроқ жойда иш билан таъминлаш керак. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шу йил октябрь ойида Жанубий Кореяга буюрган ташрифи чоғида «Кабул текстайлз» компанияси билан Ўзбекистон тўқимачилик саноатини ривожлантиришга қаратилган битим имзоланган эди. Бу ҳужжат «Кабул текстайлз»нинг Ўзбекистонга нақд бир миллион дона ип йигирув дастгоҳи келтиришини кўзда тутади. Компания бошқаруви раиси Чанг Хо Пакнинг таъкидлашича, бу лойиҳа беш йил давомида амалга оширилади. Ҳар йили ишлаб чиқариш қуввати Тошкентдаги корхонаники билан бир хил бўлган иккитадан фабрика қуриш режалаштирилмоқда. Бу корхоналарнинг ҳар бирида ўртача 2,5-3 минг одам ишлайди.

Кўкчада ишга тушган иншоот лойиҳасининг умумий қиймати 114 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, бу маблағнинг 30 фоизи «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси, 70 фоизи «Кабул текстайлз» компанияси томонидан қопланган. Корхона Жанубий Корея, Япония, Германия, Швейцария ва Белгияда ишлаб чиқарилган замонавий техника билан жиҳозланган. Бундай техника Марказий Осиёдаги бирор давлатда йўқ эди. Бу ерда қарийб уч минг киши ишлайди. Чет эллик шериклар маҳаллий кадрларни шу ернинг ўзида ёки Жанубий Кореяда ўқитишни йўлга қўйган. Корхонада йилига 24,5 минг тонна калава ип, эни халқаро андозаларга мос, яъни 1640 миллиметрли юқори сифатли газламадан эса 9 миллион метр ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг 98 фоизи АҚШ, Канада, Европа давлатларига экспорт қилинади. Бу қарийб эллик миллион доллар даромад, деган гап. Яъни, корхонани барпо этишга сарфланган маблағ жуда қисқа вақт ичида қопланади.

Корхонанинг очилиш маросимида «Кабул текстайлз» бошқаруви раиси Чанг Хо Пак, Корея Республикаси Эксимбанки бошқаруви раиси Мон Ки Янг, ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Че Енг Ха сўзга чиқиб, мазкур корхонанинг очилиши тўқимачилик соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг бошланиши эканини таъкидлади ва келгусида бундай иншоотларни янада кўпайтириш борасида муайян режалар мавжудлигидан мамнуният изҳор этди. Сўзга чиққанлар бундай улкан миқёсдаги ҳамкорликка Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун қулай шарт-шароит яратилгани сабаб бўлаётганини қайд этиб, мамлакатимиз салоҳияти катта эканлигига яна бир бор ишонч билдирди.

Кўкчада иш бошлаган мазкур иншоот «Кабул текстайлз» билан ҳамкорликда ишга туширилган иккинчи корхонадир. Тўйтепадаги 1997 йили фойдаланишга топширилган фабрика ҳам қарийб худди шундай қувватга эга. Энди йилига яна иккитадан шундай корхона қурилса, ҳамкорликнинг нечоғли самарали бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, икки томонда бир-бирига, шериклик муқаррар фойда келтиришига ишонч катта эканини кўрсатади. Бу ишонч негизида эса яхши муҳит, қулай шарт-шароит ва имтиёзлар, юртимиздаги барқарорлик ётибди. Бундан ташқари, очилиш маросимидан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Кабул текстайлз» раҳбариятининг Ўзбекистонда амалга оширмоқчи бўлган улкан мақсадларини қўллаб-қувватлаш учун ушбу компанияга қўшимча қулайликлар яратилишини айтди. Бинобарин, кореялик шериклар таъкидлаганидек, Кўкчадаги иншоот тўқимачилик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бошланиши. Демак, истиқболда Ўзбекистон пахта хомашёси эмас, тайёр маҳсулот экспорт қилувчи давлатга айланиши учун пухта замин ҳозир.

(ЎзА)

Суратда: қўшма корхонанинг очилиш маросимидан лавҳа

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг алоҳида хизмат кўрсатган ходимларини мукофотлаш тўғрисида

Эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва қуролланган жиноятчиларни қўлга олишда кўрсатган мардлиги ва жасорати ҳамда хизмат бурчига садоқати учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Жасорат» медали билан

Васильев Равиль Рашидович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар Бош бошқармаси ҳарбий қисмининг жисмоний тарбия ва спорт бўйича бошлиғи (марҳум)

Воронов Владимир Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар Бош бошқармаси ҳарбий қисмининг катта йўриқчиси (марҳум)

Тўлаганов Раҳимжон Каримович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармасининг тезкор вакили (марҳум)

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 1 декабрь

Гувоҳномалар топширилди

Аввал хабар қилинганидек, Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ислом Каримов ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Абдулҳафиз Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган эдилар.

1 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Н. Комилов Ислом Каримов ва Абдулҳафиз Жалоловга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганлик гувоҳномасини топширди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази

ХДП хабари

Сайловолди концерти

Яқинлашиб келаётган сайловлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги катта ҳодиса, унинг тараққиётидаги янги босқични бошлаб берувчи муҳим воқеа бўлиб қолмай, балки, ўзига хос байрам ҳамдир. Байрам эса қўшиқ ва ўйин-кулгисиз бўлмас.

1 декабрь куни мамлакатимиз пойтахтининг «Туркистон» саройида, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг ташаббуси билан, партиядан кўрсатилган депутатликка номзодларни қўллаб-қувватлаш концерти бўлиб ўтди. Партия Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов йиғилганларни, мустақил Ватанимизнинг демократик ривожланиш йўлидан оғишмай бораётганлигини намойиш этувчи, бўлажак сайловлар билан қизғин табриклади ва мамлакатимизнинг барча сайловчиларини ўз фуқаролик бурчларини бажаришга даъват этди.

Байрамона руҳда ўтган катта концертда иштирок этган санъат усталари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Кумуш Раззоқова, Обид Асомов, Сайёра Қозиева, Ғиёс Бойтоев, севимли хонандалар Равшан Комилов, Гулбаҳор Сулаймонова ва бошқалар, «Ўзбекистон» ансамбли, «Зарафшон», «Файёд» ҳамда «Байрам» гуруҳлари залда тўпланган депутатликка номзодлар, жамоатчилик вакиллари, партия фаоллари, кўп сонли сайловчиларни ўзларининг дилрабо қўшиқлари, шўх ўйинлари-ю ҳазил-мутойибалари билан хурсанд этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон — Украина: ҳамкорлик ва ўзаро ишонч

Хабар қилинганидек, 30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучма таклифига биноан, Украина давлати раҳбарининг ўз вазифасини ижро этишга киришиш маросимида иштирок этиш учун Киевга ташриф буюрди.

Ўтган октябрь ойида Ислом Каримов Украинага расмий ташриф буюрган пайтда мамлакат халқини сайловда Леонид Кучма номзодини қўллаб-қувватлашга даъват этган эди. Президентимизнинг бу даъвати ўзаро ишонч, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари тўғрисидаги ғамхўрликка асосланган бўлса, эндиликда бундан кейинги ҳамкорликнинг ривожланиши, дўстлик алоқаларининг мустаҳкамланишига шубҳа йўқ.

Ислом Каримовнинг Украинага ўтган галги ташрифи доирасида бўлиб ўтган музокараларда ҳар икки мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодиёт, молия, энергетика ва транспорт соҳаларидаги алоқалари тобора ривожланаётгани, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг расмий ташрифи давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликда муҳим ўрин тутиши қайд этилган эди. Ушанда Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги самарали музокаралар натижаси сифатида бир қанча ҳужжатлар имзоланган эди. Икки дўст мамлакат Президентлари давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларида ҳам кенг кўламли, ҳам минтақа миқёсида стратегик ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнотни имзолаган эдилар. Октябрь учрашувида имзоланган энг асосий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида 2008 йилгача мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномадир. Уни амалга ошириш борасида аниқ дастур ҳам ишлаб чиқилган. Ушбу учрашувдан сўнг Ўзбекистон раҳбари Украина мамлакатимизнинг халқаро муносабатларида алоҳида ўрин тутишини таъкидлаган эди. Ҳар иккала мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига, давлатлар тараққиётига муносабатида ўхшаш жиҳатлар кўп. Ушанда Президент Ислом Каримов ўта самимият билан: «Шу сабабдан ҳар гал бу ўлкага келар эканман, ўзимни дўстлар даврасида ҳис қиламан», деган эди.

Бу гал ҳам Ислом Каримов дўстлар даврасида Леонид Кучмани Украина Президенти этиб қайта сайлангани муносабати билан самимий табриклар экан, буни Украина халқининг улкан ютуғи, деб баҳолади. Ўзбекистон раҳбари ҳар икки мамлакат ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстликни алоҳида таъкидлади. Икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги суҳбат асносида Украина билан Ўзбекистон ўртасида турли соҳаларда самарали ҳамкорлик билан бирга, минтақаларимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларидаги ҳамжиҳатлик, икки томонлама ва кўп томонлама дўстлик алоқаларини ривожлантириш борасида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти, шунингдек, маросимга ташриф буюрган айрим делегациялар раҳбарлари билан учрашди.

Ислом Каримовнинг Украинага бу галги сафари ҳам Ўзбекистон ва Украина халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилади.

Леонид Кучманинг Украина Президенти лавозимига иккинчи бор сайланиши ва ўз фаолиятини бошлашига бағишланган расмий маросимда юқори мартабали меҳмонлар қаторида Озарбойжон, Болгария, Литва, Молдова, Польша, Россия, Словакия, АҚШ, Тожикистон, Туркия, Чехия, Беларусь президентлари ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САЙЛОВИДА

ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловида овоз бериш 1999 йил 5 декабрь куни эрталаб соат 6.00 дан бошланиб, кеч соат 20.00 гача давом этади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун талабига кўра, овоз бериш жараёни қуйидагича ташкил этилади.

Сайловчи овоз бериш учун келар экан, ёнида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак. Сайлов участкасига келгач, сайловчи ўз ҳужжатини участка комиссиясининг аъзосига кўрсатади. Комиссия аъзоси сайловчилар рўйхатига мувофиқ, ҳужжат тақдим этган сайловчининг шахсини аниқлаганидан кейин унга сайлов бюллетени беради. Сайловчи эса бюллетен олганлигининг тасдиғи сифатида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Бирор-бир сабабга кўра, айрим сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига кирмай қолганлиги аниқланса, участка сайлов комиссияси сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан, уни сайловчилар рўйхатининг иловасида қайд этади. Шундан кейин сайлов бюллетени бериш юқоридаги тартибда амалга оширилади.

Сайловчи у ёки бу номзодга нисбатан ўз муносабатини билдиришни, яъни сайлов бюллетенини тўлдиришни махсус кабина ёки хонада амалга оширади. Бу вақтда кабина ёки хонада сайловчидан бошқа бирор-бир киши ёки кишиларнинг ҳозир бўлиши қатъиян тақиқланади.

Сайловчи бирор-бир сабабга кўра, сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдира олмаса, у бошқа бир кишини ёрдамга чақириши мумкин. Бундай ёрдам кўрсатувчи шахслар доираси қонунда қатъий белгилаб қўйилган. Бу борада сайлов комиссияларининг аъзолари, кузатувчилар, номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчига ёрдам кўрсатишлари тақиқланади.

Сайловчи сайлов бюллетенини олиб, кабина ёки хонага киргач, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоддан бошқа номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Сайловчи сайлов бюллетенига қўшимча тарзда бирор-бир кишининг фамилиясини ёзиб қўйса ёки бирон-бир бошқа ёзув қолдирса, улар инобатга олинмайди.

Биттадан ортиқ номзодларнинг фамилиялари ўчирилмай қолдирилган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади.

Сайловчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

Башарти, овоз берувчи у ёки бу сабабга кўра, сайлов бюллетенини бузиб қўйса, унинг илтимосига кўра, участка сайлов комиссияси унга янги бюллетен беради. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари эса сайлов комиссияси томонидан ҳисобга олиниб, бекор қилинади ва алоҳида сақланади.

Айрим сайловчилар бетоблиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра, овоз бериш биносига кела олмаслиги мумкин. Участка сайлов комиссияси бундай шахсларнинг илтимосини қондириб, овоз беришни улар турган жойда ташкил этади. Бу вазифани бажариш комиссия аъзолари зиммасида бўлади.

Тегишли участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш чоғида тартиб сақланиши учун жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатини сайлаш бўйича

Округ сайлов комиссиясининг муҳри (имзо)

Участка сайлов комиссиясининг муҳри (имзо) (имзо)

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

00 – БАҲОР САЙЛОВ ОКРУГИ **5 декабрь 1999 йил**

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР:
КАНДИДАТЫ В ДЕПУТАТЫ:

АНТОНОВ Алексей Сергеевич	1936 й., «Адолат» партияси аъзоси, Тошкент шаҳар 11-касалхонаси врачи 1936 г., член партии «Адолат», врач больницы №11 города Ташкента	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Социал-демократическая партия Узбекистана «Адолат»
БОТИРОВ Шокир Гуломович	1946 й., «Ватан тараққиёти» партияси аъзоси, «Тошиссиқликкоммунэнергия» ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандиси 1946 г., член партии «Ватан тараккиёти», инженер производственного объединения «Тошиссикликкоммунэнергия»	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси Партия Узбекистана «Ватан тараккиёти»
РАСУЛОВ Ўктам Рўзиевич	1940 й., «Миллий тикланиш» партияси аъзоси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 37-мактаб директорининг ўринбосари 1940 г., член партии «Миллий тикланиш», заместитель директора школы №37 Чиланзарского района города Ташкента	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Демократическая партия Узбекистана «Миллий тикланиш»
ТУРСУНОВ Махмуд	1944 й., «Фидокорлар» партияси аъзоси, Тошкент шаҳар телефон станцияси оператори 1944 г., член партии «Фидокорлар», оператор телефонной станции города Ташкента	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси Национально-демократическая партия Узбекистана «Фидокорлар»
ЦОЙ Михаил Аркадьевич	1936 й., ЎзХДП аъзоси, «Шарқ» кичик корхонаси директори 1936 г., член партии НДПУ, директор малого предприятия «Шарк»	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Народно-демократическая партия Узбекистана
ФОЗИЛОВА Турсуной Пулатовна	1940 й., партиясиз, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олийгоҳи ўқитувчиси 1940 г., беспартийная, преподавательница Ташкентского института текстильной и легкой промышленности	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши Совет народных депутатов города Ташкента
ҚОСИМОВ Толиб Шукурович	1949 й., партиясиз, «Қундуз» очиқ турдаги акционерлик жамияти раиси 1949 г., беспартийный, председатель акционерного общества открытого типа «Кундуз»	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи Инициативная группа избирателей

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилади.

Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Вычеркните фамилии кандидатов в депутаты, против которых голосуете.

Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата в депутаты, признается недействительным.

Муҳтарам сайловчи!

Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловига саноқли кунлар қолди. Сайлов бюллетенларини тўлдириш овоз беришдаги энг масъулиятли дамлар эканлигини унутманг.

Бюллетенларни тўғри тўлдириш йўли қандай?

Сайлов участкасига келиб, сайлов бюллетенини олганингиздан кейин яширин овоз бериш кабинасига (хонасига) кириб, бюллетенларга тегишли белгилар қўйишингиз шарт.

Шуни билиш жоизки, сайлов бюллетенига мазкур округдан овозга қўйилаётган барча депутатликка номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилиб, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уларни депутатликка номзод этиб кўрсатган органнинг номи кўрсатилган бўлади.

Сайлов бюллетени ўзингиз қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчириш йўли билан тўлдирилади. Қонуннинг ана шу талабидан келиб чиқиб, Сиз бюллетенда ўзингиз ёқлаб овоз бераётган битта номзоднинг фамилиясини қолдиришингиз лозим.

Агар Сиз бюллетендаги барча фамилияларни ўчирсангиз, у ҳолда мазкур округ бўйича кўрсатилган депутатликка номзодларнинг ҳаммасига қарши овоз берган бўласиз.

Агар бюллетенда иккита ёки ундан ортиқ номзоднинг фамилияси ўчирилмай қолдирилган бўлса, Сизнинг бюллетенингиз ҳақиқий эмас деб топилади, яъни овозларни санаб чиқиш чоғида Сизнинг овозингиз ҳисобга олинмайди.

Шу нарсани ҳам ёдда тутиш жоизки, сайловчи томонидан бюллетенга қўшимча равишда ёзилган бошқа шахсларнинг фамилиялари ёки бошқа ҳар қандай ёзувларни участка сайлов комиссияси эътиборга олмайди.

Қонуннинг ана шу нормаларини билиш ва уларга оғишмай риоя этиш ҳар бир сайловчига овоз бериш куни ўзининг сайловга доир конституциявий ҳуқуқини тўла-тўкис амалга ошириш имконини беради.

Теран томирлар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзосининг мулоҳазалари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий ташкилот сифатида расмийлашганига 8 йилдан ошди. Мазкур тарихий воқеа 1991 йилнинг ноябрь ойида юз берган эди. Лекин, бу нарса масаланинг ташқи жиҳати эди, холос. Аслида эса мамлакатимизда расмий тус олмаган шундай сиёсий куч бор эди. Бинобарин, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вужудга келиши, шаклланиши ва расмийлашиши бир неча тарихий босқичлардан иборатдир. Кечаги кунни эслаш бугун учун ҳам, эртаги кун учун ҳам керак. Шунга биноан биз ушбу мақолани ёзиш асосида XX асрнинг бошидан то шу кунларимизгача бўлган давр мобайнида Туркистон мамлакатида, хусусан, унинг марказий қисми бўлмиш Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фикр қандай ривожланиб келгани, қандай босқич ва тўсиқлардан ўтганини хаёлдан ўтказиб чиқдик. Ўзбекистон Халқ демократик партияси қандай партия, у аслида қачон туғила бошлаган, қайси бир ижтимоий-сиёсий гуруҳларнинг, қайси кучларнинг партияси деган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик. Далилларнинг кўрсатишича, ХДПнинг, аниқроғи, унинг сиёсати таннум этаётган қадриятлари, илк куртаклари жадидчилик ҳаракати бағрида ўсиб-унган. Ёш туркистонликлар, ёш бухороликлар, ёш хеваликлар ҳам маърифатпарвар демократлар бўлишган. Масалан, Бухоро амирлигида конституцион монархия тузумини ўрнатиш ғоясини ўртага қўйган, машрута тузиб, амирликда жорий этишни талаб қилиб чиққан зиёлиларимиз ҳам демократ эдилар.

Ўзбекистонда ҳеч қачон ҳақиқий маънода компартия бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ ва бундан кейин ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки коммунистик мафкура азалдан халқимизнинг руҳига, онгига, турмуш тарзига ётдир. У бизга четдан олиб келиб, мажбуран тиқиштирилган эди, лекин, халқимиз дилида уни ҳеч қачон қабул қилган эмас. Илғор фикрли ўзбекистонликлар компартиянинг дастурига юракдан қўшилмасалар-да, иттифоқда бошқа сиёсий ташкилот бўлмагани сабабли унга киришга мажбур эдилар. Ана шу мажбур бўлганлар Компартия тарқатиб юборилгач, моҳият-эътибори билан, собиқ Компартиядан мутлақо фарқланувчи янги сиёсий партия — Халқ демократик партияси тузилди. Агарда Ўзбекистон Компартияси ўз фаолиятини тўхтатиши арафасида, у тахминан 700 мингга яқин аъзога эга бўлган бўлса, шуларнинг фақат 200 мингдан сал зиёдроғи, ихтиёрий равишда, қалб амри билан янги тузилган Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб кирдилар. Иккинчи хулосамиз шуки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси жамиятимиз бағрида ўн йиллар давомида етилиб келган илғор фикрли, ватанпарвар, халқпарвар, миллий мустақиллик ва озодлик учун интилган сиёсий кучларнинг муайян бир қисмидан ташкил топган, моҳият эътибори билан, собиқ комфирқадан мутлақо фарқланувчи мустақил сиёсий ташкилотдир. Демак, баъзи мухолифларимизнинг, айниқса, масала моҳиятига юзаки ёндашувчи кишиларнинг ХДП шаънига қарата айтгувчи собиқ комфирқанинг давомчиси дейишлари мутлақо асоссиздир. Бунинг устига, шўролар давридаги ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга чуқур кўз ташласак, халқимизнинг асл фарзандлари комфирқанинг идеологиясига, унинг яккаҳокимлигига имкон қадар ғоҳ ошкора, ғоҳ пинҳона муносабат билдириб келганлар. Фикримизнинг исботи учун бир-икки мисол келтирамиз.

Шўролар замонида ошкора курашиш кўп қурбонлар беришга олиб боришини билган зукко зиёлилар нолегал кураш йўлини танлайдилар. Пировард мақсади Туркистонни миллий истиқлолга олиб чиқиш бўлган бундай нолегал ташкилотлардан бирини жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчилари ва етакчи мафкурачиларидан бўлмиш маърифатчи Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли йиғирманчи йилларнинг ўрталарида тузган эди. Бу ташкилот оғир шароитда муайян даражада нолегал иш олиб боради, зиёлиларни руҳан тушкунликка тушмасликка даъват этади. Шўро чекистлари 1929 йили бу ташкилотдан хабар топадилар ҳамда Мунаввар қори ва унинг сафдошларидан 100 га яқин кишини ҳибсга олади. Улардан етти киши Москвага — Бутир турмасига олиб кетилади ва ўша ерда қатл этилади. Архивларда сақланиб қолган маълумотларга кўра, Мунаввар қори 1930 йилнинг май ойида яширинча, Москвадаги Ваганьков қабристонига кўмилган.

Халқнинг иродасини барибир буколмадилар. Миллий истиқлол туйғуси унинг қалбини бир дам бўлсинки, тарк этмади. Яқин ўтмишимизга назар ташласак, фирқавий турмуш тарзида икки манзарани кўрамиз. Бир ёқда марказ ноғорасига ўйновчиларнинг кирдикорлари халқнинг нафратини қўзғатарди. 1965 йили академик адибимиз Ойбекнинг 60 йиллик юбилейи пойтахтимиздаги Санъат саройида нишонланганда анжуманга ғоявий раҳбарлик қилиш буюрилган Тошкент вилоятининг мафкуравий бошлиғи ҳисобланмиш бир опа юбилярни ўзбек тилида қутлашни ман этгани эсимизда. 1986 йилнинг 30 октябрь куни «Баҳор» концерт залида кутубхоначиларнинг йиғилиши бошланиши олдидан республиканинг мафкуравий раҳбари «рўмолларингизни ечиб қўйинглар», деб талаб қилганида аёлларимиз зални тарк этишгани ҳам кўз олдимизда турибди. Кимёгар академик, республика Фанлар академиясининг президенти Обид Содиқовнинг рафиқаси вафот этганида таъзиядор хонадонда Қуръон тиловат қилингани учун лавозимидан четлаштирилгани ҳам унутилгани йўқ.

Ана шундай нохуш ҳолат қаршисида яна бир мутлақо ўзгача манзара ҳам кўзга ташланиб турарди. Эллигинчи йилларнинг охирлари - олтмишинчи йилларнинг бошларида муҳтарам домламиз Озод ака Шарафиддинов ТошДУ филология факультетида партком эдилар-ку, бироқ, биз талабаларга тўғри йўл кўрсатардилар, адабиётшунослик фан, сиёсат эмас, деб таълим бердилар. Бугунги кунда ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари бўлмиш Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев ва бошқалар ҳурматли домламизнинг ўгитларидан баҳраманд бўлганлар. 1967 йилнинг сентябрь ойида атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор ўзининг 60 йиллик юбилейидаги якунловчи нутқида «Мен партиянинг ер тепиниб, чест берувчи солдати эмасман, мен партиянинг онгли аъзосиман» дейиши тоталитар тузумга, унинг сохта ва саёз идеологиясига қарши гумбирлаб отилган замбарагининг ўқи эди. Ҳа, биз — ХДПнинг бугунги аъзолари ана ўшандай мард ва довюрак сиймоларимизнинг ворислари ва давомчиларидурмиз. Бу билан фахрлансак арзийди.

Яккапартиялик мамлакатда ўша партия ҳеч қачон тўлиқ уюшган, жипслашган яхлит партия бўлолмайди, аъзолари эса турли маслакдаги кишилардан иборат бўлиши турган гап. Бинобарин, собиқ КПСС ва унинг бир бўлаги — Ўзкомпартия шаклан ягона ташкилот ҳисобланса-да, амалда бундай эмас эди. Яккапартиялилик мажбурий сохтакорликдир. Кўппартиялиликни сиёсий ростгўйлик ифодаси дейиш мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бешта сиёсий партиянинг фаолият кўрсатаётгани мамлакатимизда демократик тамойилларга риоя қилинаётганини кўрсатади.

ХДП миллий истиқлолимиз самараларидан биридир. Мамлакатимизда амалда биринчи маротаба тузилган мустақил сиёсий ташкилотдир. Айниқса, партиямизнинг истиқлолнинг илк йилларида миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги хизматларини тарих ҳеч қачон унутмайди. Бу билан ҳам ҳар қанча фахрлансак арзийди. Вазминлик, етти ўлчаб бир кесишлик, узоқни кўзлаб иш тутишлик ХДПга хос фазилатлардандир.

Маълумки, мафкура ижтимоий тараққиётда орқада қолиши ҳам ва ундан илгарилаб кетиши ҳам мумкин. Агар орқада қолса, жамият тараққиётига ғов бўлади ёки ҳаддан ташқари илгарилаб кетса, халқдан узоқлашиб қолади. Бизнингча, мафкура тараққиётдан олдинда юриши лозиму, лекин, ундан узилиб кетиши кутилган самарани бермайди, яъни халқ орасига кенг тарқалмайди. Илғор мафкура илғор ижтимоий кучларни сафарбар қила олади, уюштиради, жамият тараққиётини тезлаштиради. Бундай илғор мафкура ижтимоий тараққиётни амалга оширувчи кишилар тоғ; монидан онгли равишда ўзлаштирилгандагина, унга етакчи сиймо раҳбарлик қилгандагина тарих ривожига таъсир кўрсата олувчи кучга айланади. Илғор мафкура халқ томонидан ўзлаштирилгач, унинг онгига сингиб боргач, зўр моддий кучга, яратувчанлик қудратига эга бўлади. Ҳозир Ўзбекистонда мафкура борасида худди шундай ҳолатни кўриб турибмиз. Илғор мафкура халқимиз томонидан тобора кенгроқ ўзлаштирилиб, унинг онгига сингиб бормоқда, зўр моддий куч, яратувчанлик қудратини касб этмоқда.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

Таклиф ва лутф

Сайлов ва сайловчи

Сайловлар бизга чин маънода танлаш имконини берди. Тўғри, аввалги сайловларда ҳам муқобиллик бўлган, аммо бу галги сайловолди учрашувлари моҳият эътиборига кўра демократия сабоқларига ўхшаб кетмоқда. Фарғона водийсида, воҳа вилоятларида бўлиб, сайловчиларнинг номзодлар билан учрашувларида қатнашар эканман, бир нарсага гувоҳ бўлдим — учрашувдан учрашувга сайловчи ҳам, номзодлар ҳам ўсиб боришмоқда. Дастлабки умумий, жўн саволлар ўрнини хийла мураккаб, жавоби хийла қийин сўровлар эгалламоқда.

Одамлар номзодларга фақат савол бераётганлари йўқ. Мамлакатимизда кечаётган жараёнларни баҳоламоқдалар, юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватламоқдалар ва айни чоғда, ваъдалигича қолиб кетган ваъдаларни, ҳал бўлмай ётган муаммоларни, маҳаллий раҳбарларнинг одамларга тўғраларча муносабатини, шошмашошарлик билан қабул қилаётган қарорларини қаттиқ танқид қилмоқдалар.

Номзодлар бўлса, эски касаллик-да, аввалига шу дардлари хуруж қилиб, яна ваъдабозликни бошлаб юборган эдилар — икки ҳафта ичида ўзим эшитганларимни айтадиган бўлсам, тузатилмаган бирорта кўприк, газлаштирилмаган бирорта кўча, таъмирланмаган бирорта мактаб, тоза ичимлик суви келтирилмаган бирорта қишлоқ қолмади. Юқумли касалликларнинг олди тамомила олинди, аёлларимиздаги камқонлик муаммоси ҳал бўлди. Номзодлар ваъдалари билан кичик ва ўрта тадбиркорликни шу қадар ривожлантириб юборишларки, ҳамма ёқни янги қўшма корхоналар, цехлар босиб кетди. Сайлов муносабати билан анча жонланган матбуотимиз бунга бефарқ қараб турмади. Сайловчилар ҳам. Баъзи жойларда одамлар ўринларидан туриб «Аввалги сайловда қўйнимизни пуч ваъдалар билан тўлдириб кетган, сайланиб олгач, қорасини ҳам кўрсатмаган депутатимиз билан учрашайлик, беш йил ичида нима иш қилди, қанча ваъдасини бажарди — бунинг ҳисоботини эшитайлик, кейин янги ваъдалар муҳокамасига ўтамиз» деб қолишди.

Ўринли таклиф. Эътибор берилса, бу таклиф замирида катта маъно ётибди. Агар, кўпгина ғарб давлатларидаги каби, бизда ҳам сайлов тараддуди ваколати тугаётган депутатларнинг ҳисоботларини тинглаш, шу муносабат билан ўтказиладиган учрашувларни телевидение орқали намойиш этишдан бошланганидами, ишончим комилки, бизнинг ваъда бериш маҳоратимиз бу қадар «ривож» топмаган ёҳуд номзодлар сафи бу қадар қаппайиб кетмаган бўларди.

Гапнинг пўст калласини айтганда, аслида шундай бўлиши керак, деб ўйлайман. Матбуот бу ишдан четда қолмай, аввалги сайловлар чоғи айтилган, берилган ваъдаларни хатта тушириши, вақти-вақти билан депутатларнинг ёдига солиб туриши лозим. Мана, масалан, бугун минбарга кўтарилаётган ҳар уч номзоднинг бири бордию депутат бўлиб сайланса аёллар камқонлиги масаласи билан шуғулланишини айтмоқда. Менинг ўзим бу ваъдаларни иқтисодчи олим, механизатор, колхоз раиси, банк ходими, тадбиркор ва бошқа касб эгаларидан эшитдим. Депутатлик ваколати тугашини кутиб ўтирмай, йилда бир марта ваъдалар қопини очиб турсак, газеталаримиз, телевидениемиз янада қизиқарли бўларди-да.

Сайловолди учрашувларида кузатган нарсаларимдан яна бири шуки, айрим жойларда у ёки бу номзодни қўллаб-қувватлаш учун минбарга кўтарилган сайловчилар вакили «ургу»ни «шу» деган сўзга бермоқда: «Шу жойнинг фарзанди, шу ерда туғилиб-ўсган, шу жойдан чиққан, шу ерда ўқиган, шу ерни яхши билади, сайланиб қолса, шу жой учун жон куйдиради, шу биродаримизга овоз берсак, шундай қилсак...» ва ҳоказолар.

Ўйланиб қоласан киши — маҳаллий кадрлар билан фахрланиш туйғусини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо бугун миллат, жамият олдида қандай вазифалар турибди? Президентимиз қандай мақсадлар йўлида жон куйдирмоқда? Миллатнинг, мамлакатнинг умумий манфаатлари, якдиллиги, бирлиги, аҳиллиги, жўровозлиги ҳаммамиз учун зарур ва муҳим эмасми? Сиёсий, маънавий жипслик, ёқадошлик-елкадошлик-чи?! «Шу» жойдан чиққан кадр фақат шу жойни ўйласа, бошқа ёқдаги зарур эҳтиёжни унутиб, тарновнинг учини нуқул шу жой томонга қараб буришга ҳаракат қилса, аҳволимиз не кечади? Битта майдонга экин эккан бешта деҳқон ўзаро тил топиша олмай, ҳар бири сувни ўзи томонга оқизса, сувнинг ҳузурини ариқ кўргандай бўлмайдими? Хоразм ёки Фарғонада туғилган киши учун, бордию у чинакам фидокор, ватанпарвар, миллатсевар бўлса, Сирдарё ёки Андижондаги муаммолар ечими эътиборли эмасми?

Депутат табиийки, маълум бир округдан сайланади. У, албатта шу ернинг муаммоларига эътибор бериши, ўз сайловчиларининг ҳохиш-истакларини инобатга олиши керак. Аммо у бу ишга фақат шу жой манфаатларидан келиб чиқиб ёндошса, фақат шу ердаги кўчани, мактабни, болалар боғчаси ёки касалхонани ўйласа бўлмайди. Мактаб, кўча, касалхона муаммолари ҳаммамизга даҳлдор. Томидан чакка ўтиб ётган битта мактабни таъмирлаш билан иш битмайди. Завод директори таниши бўлса, гаплашиб бир-иккита калта кўчага асфальт ётқиздиргани билан депутат қаҳрамонга айланиб қолмайди. Бу ишлар билан бевосита шуғулланувчи масъуллар бор, улар зиммасига шу муаммоларнинг ечими юклаб қўйилган.

Депутатнинг йўриғи бошқа. Қонунлари ихчам ва кучли давлатгина тараққиётга юз буради. Қонунлар ҳамма учун тушунарли, лўнда, бир-бирига мутаносиб, бири-бирига мос, бири иккинчисига зид келмайдиган даражада мукаммал бўлиши керак. Фақат шундагина улар ишлайди, одамларнинг оғирини енгил қилади, битта мактаб ёки битта кўча муаммосини эмас, бу муаммоларнинг бутун мамлакат миқёсидаги умумий ечимини топиш имкониятини беради.

Сайловлар миллий журналистикамизни янги жанр билан бойитди. Биз бугун дунёда аслан машҳур, аммо бизлар учун тамомила янги бўлган телебаҳсларга гувоҳ бўлиб турибмиз. Дастлабки таассуротлар ёмон эмас. Бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан оммавий ахборот воситалари ичида байроқдор бўлиб қолган телевидение кўрсатувлари шу баҳслар туфайли янада жозибали бўлиб қолди. Лекин.. Телеэкранда туриб баҳс олиб бориш ҳам катта маҳорат экан.

Бу маҳоратни ҳам қунт билан эгалламоқ лозим экан. Жиддий тайёргарликсиз, рақиб томонга айтиладиган жавоб фикрисиз чиққан кишининг гапи жўн, умумий, ҳаммага маълум гаплар бўлиб қолар экан. Энг муҳими — рақиб томон қизишиб кетишга «даъват» этганида қизишиб кетмаслик экан. Бу янги жанр сайловлар чоғигина эмас, кейин ҳам муносиб равишда давом этишидан умидвормиз. Негаки, баҳсталаб мавзулар оз эмас.

Мақоламиз бошида сайловчилар ҳам, номзодлар ҳам учрашувдан учрашувга ўсиб-улғайиб боришмоқда, деган эдик. Мен буни 124-Қуйиқишлоқ сайлов округида аниқ кўрдим. Баъзи жойларда номзодлар бир-бирларига ёвқараш қилиб, бирлари бир томондан, иккинчилари иккинчи томондан келишиб, салом йўқ, алик йўқ, ер депсиниб туришганида, ургутлик номзодлар бир-бирларини бағриларига босиб, учрашувларда берилган вақтнинг талайгина қисмини бир-бирларини мақташга сарфлашди. Ҳаммамизнинг мақсадимиз битта — шу юрт обод бўлсин, ҳаётимиз янада фаровон бўлсин, сайлансак ҳам, сайланмасак ҳам шу мақсад йўлида ҳормай-толмай, қўлимиздан келганча меҳнат қиламиз, дейишди. Худди шундай ҳавас қиларли манзарани Яйпанда ҳам кўрдим. Ургутда Раҳмон Баротов исмли оқсоқол минбарга кўтарилиб «Мен 5 декабрь 9 январь кунлари фуқаролик паспортимни қўлимга ушлаб юртимиз учун, тинчлигимиз учун, Президентимиз учун овоз бераман» деди. Яйпанда эса бир мўйсафид номзодлар ваъдаларидан тўлқинланиб кетиб мана бундай лутф қилди: «Э, барака топгурларей, шунақа ниятларинг бор экан, сайловни кутиб ўтирмай ишни бошлайвермабсизларда...»

Жуда эътиборли лутф...

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни тобора яқинлашмоқда. Сайлов участкаларида номзодлар билан учрашувлар қизғин паллага кирди.

Суратда: ***Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига Ҳамза туманидаги 35-Янгиобод сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган ХДП аъзоси Шомурод Шофайзиевнинг «Тарновбоши» маҳалласидаги сайловчилар билан учрашиб ўзининг сайловолди дастурини баён этаётган пайт.***

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

«Чимилдиқ»қа марҳамат

«... Чимилдиққа уялибгина куёв кириб келди. Ҳамма жим, қани ким чандастлик қилар экан, куёвми ёки келин. Хонани қийқириқ босди. Ҳа, куёв чаққонлик қилди ...»

Шу каби халқимизнинг бой миллий урф-одатлари ва анъаналарини ўзида акс эттирган янги «Чимилдиқ» фильми экран юзини кўрди.

Фильм «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компанияси буюртмасига асосан «Ватан» студиясида суратга олинган. Бош ролларда — Момо сиймосини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбар Икромова, келин-куёв ролларини эса иқтидорли санъаткорлар Раъно Шодиева ва Саид Мухторов ижро этган. Маҳмуд Намозов ва Зайнаб Мирзатиллаева ижросидаги қўшиқлар эса асарга янада сийқал бағишлаган. Режиссёр Мелис Абзалов томонидан суратга олинган ушбу фильм ҳам тез орада ўз мухлисларини топади деб умид қиламиз.

Турғун ЭРГАШЕВ

Илғор техника — самарадорлик гарови

Ҳаётимизга тобора чет эл замонавий техникалари кириб келмоқда. Бунга Жиззах вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳам яққол мисол бўла олади. Бу ерда илк бор Индонезия компанияси инвестицияси ҳисобига янги электрон алоқа воситаси ўрнатилди. Бу алоқа воситаси Японияннинг НЕС фирмасида ишлаб чиқарилган телефон тармоғи бўлиб, жаҳон алоқа соҳаси ютуқларидан кенг фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари компания яна 45 минг рақамли юқори сифатли янги тармоқларни, 400 километрли оптик толали алоқа кабелларини ва 8 минг рақамли симсиз радио алоқа тармоқларини қуришни режалаштирган.

Нодир ХОЛМАХМАТОВ

Мухолифат нима?

Ҳеч бир ақлли одам ўз давлатининг пароканда бўлиб кетишини, халқининг тинчи бузилиб, осойишталигидан айрилишини хоҳламайди. Ҳушини йўқотган кимсагина Ватан тақдирига бефарқ қарайди. Одамларнинг интилиши, орзу-истаклари, атрофда нималар содир этилаётгани бундайларга аҳамиятсиз. Чунки улар ҳеч нарсанинг фарқига бормайди.

Бугун XXI аср бўсағасидаги Одам замона зайли қаёққа қараб кетаяпти, англамасдан, сезмасдан иложи йўқ. Бошқа йўл йўқ — тирик бўлсанг жараёнга аралаш. Йўқса, мен ортиқчаман, тафаккур деган тушунча менга бегона дейлик. Қўйинглар, дунёнинг ғовғасидан бошқа ҳам юмушим кўп, менга деса, олам тескарига айланмайдими, яшаб турсам, куним ўтса бўлди, сиёсат билан неча пуллик ишим бор, дейлик. Умуман, мен ўз пўстлоғимга ўралиб олганман, менга барибир дейлик... Шунда биз айтамиз — Сенга Ватан ҳам, озодлик ҳам, халқ ҳам, оиланг ҳам бир чақа. Чунки сенинг ерда илдизинг йўқ. Бильакс инсондай яшардинг, мулоҳаза қилардинг, муносабатга киришардинг, борлиғингни билдирардинг. Юртнинг бир чўпи бўл, бир хаси бўл, лекин бир пасти бўлма!

Тўс-тўполонли, шубҳа-ю ҳадик, келажак ҳақида мавҳум тушунчалар болалаётган қайтда, истиқлолнинг энг дастлабки кезлари Ўзбекистон ўзини ўнглаб олди. Халқ оёқ остида қолиб кетмади. Йўлини йўқотиб, миясиз чалғиган митингбозларнинг дами қирқилди. Фарзандларимиз омон қолди — оналар кўз ёши сел бўлиб оқмади, бошимиздан фалокат ёмғири ариди.

Ўзбекистон яна бир ҳаётий жараён — тириклик синовига бардош берди. Иқтисодий бўҳроннинг мудҳиш қўланкаси бошимизга соя ташлай олмади. Мамлакат нурли соҳил сари дадил сузаётган кема янглиғ инқироз уммонининг шиддатли тўлқинларидан омон-эсон ўтиб олди. Бу улкан кеманинг чамбараги ишончли қўлда эди. Бу кема нафақат инқироз тўфонини ортда қолдирди, балки саодатли соҳилларга элтди. Бутун дунёни ўзига қаратди — лолу ҳайрон этди. Озодликнинг қудратли даъвати билан яна олис ва уфқ орти соҳиллари сари суза бошлади. Энди унинг елкасида улкан-улкан, катта-катта заводлар, фабрикалар, қўшма корхоналар р. Энди бу кема қай ерга етмасин, қаерда ўзини танитмасин ўша ерда бани-башар ҳаётига дахлдор бунёдкорликни барпо этмоқда. Бу кемада тинчлик ва эзгулик ялови ҳилпираб турибди.

Бугунги Ўзбекистон яна бир сиёсий жараённи бошдан кечираяпти. Сайловлар бошланди. Олий Мажлис депутатлигига, Президент сайловига халқ нечоғлик тайёр эканлиги маълум бўлади. Бугун миллатнинг сиёсий жиҳатдан сергаклиги имтиҳон қилинади. Давр талаби бу. Шунчалар қийинчиликлар билан ўнгланиб олган. Ўзбекистоннинг тақдирини бугун кимларга топширамиз? Парламент залидан кимларнинг жой олишига йўл қўйиб берамиз. Умуман олганда Ўзбекистоннинг янаям барқ уриб, барг ёзиб, гуллаб-яшнаши, ёруғ-ёруғ кунларда тобора юксалишига замин яратамизми? Бари ўз қўлимизда. Гап кимга овоз беришимизда, кимни парламентга депутат қилиб сайлашимизда, гапнинг дангали қайси партиянинг дастурини дуруст биламиз, қайси партиядан кўрсатилган номзодга овоз берамиз, гап шунда.

Менинг назаримда, эртасини ўйлаган одам ҳамма партиянинг шунингдек, округлардан кўрсатилган номзодларнинг дастури билан ҳам танишиб чиқди. Кимни қўллашини ўзи яхши биладди. Масаланинг моҳиятига диққат қилсак 2000 йил арафасида кечаётган бугунги жараён кўзи юмуқ, онги ош қотиб қолган инсон (?)лар учунгина аҳамиятсиздир. Чунки бу жараёнда Ўзбекистон деган юртнинг тинчлиги, жаҳон саҳнасида унинг овози нечоғлик жаранглаши, обрў-эътиборининг қай даражада ўсиши, камолоти наҳ моён бўлиши учун олтин пойдевор қўйилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, манфаатлар муштараклиги Ватаннинг эртаси, халқнинг фаровонлиги, демократиянинг чуқур илдиз отувига хизмат қилсагина эзгулик тантана қилади. Ватан битта! Истиқлол ҳам фақат ўзимизники. Унинг мустаҳамлиги учун фақат ўзимиз қайғурамиз. Мамлакат равнақи учун бу жараёнда ҳар бир номзод, ҳар бир сиёсий партия курашмоқнинг ўзига хосу-мос йўлини танлайди. Йўллар турлича бўлиши мумкин. Фақат кимнингки танлаган йўли равон эрса, манзилга бус-бутун элтса, ўша ғолиб чиқади. «Адолат»ми, «Миллий тикланиш»ми, «Фидокор»ми, «Ватан тараққиёти»ми ёки ЎзХДПими қайсиниси бўлса-да, ўз кучига, мавқеига, жасоратига, шижоатига, сиёсий майдондаги тажрибасига таяниб сайловларда кўп овоз тўплаб, парламентга кўп номзод ўтказса ҳалоли бўлсин. Албатта, парламент залида қайсидир партия кўп ўрин эгаллайди — буни ҳаёт кўрсатади. Чунки ҳаммага бир хил тўн бичиб бўлмайди. Ўз-ўзидан парламентдан кўп жой олган партия етакчи партияга айланади. Бу ҳам табиий ҳодиса. Демак, ортда келаётган бошқа бир партия эса мухолифат партия бўлиб қолади.

Энди мухолифат тушунчасини имкон қадар шарҳлашга ҳаракат қилайлик. Мухолифат партия ҳеч қачон жамиятга, тараққиётга душман эмас? Ўзидан олдинги сафда турган партиянинг камчиликларига Ватан келажаги, миллат бирлиги, тинчлик ва иқтисодий барқарорлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб тузатиш киритади. Ундай эмас, бундай, бу иши тўғри, буниси нотўғри деган асосли фикрни ўртага ташлайди. Шу билан бирга тенглик ва адолат мезонларининг бузилмаслиги йўлида фаолият кўрсатади. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам Ватан манфаати юксак тутилади. Мухолифат етакчи партиянинг бехато ишлаши учун ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга бўғин ҳисобланади. Кимдир сени кузатиб турса, истаган ишингни амалга ошириш учун аввало шу юмушингдан нима наф бор, халқ бундан қандай фойда кўради, шу ишинг билан ватанпарвар бўлоласанми? Хуллас, ана шу тахлит ўйлар чиғириғидан ўтишга мажбур бўлсанг, албатта эл-улус кўз ўнгида шармандаи шармисор бўлмайсан. Мухолифат партия ҳам жамият ривожланиши, демократиянинг юксак даражада кучга тўлиши учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўз ўзидан аён бўлмоқдаки, душманлик, фақатгина ҳокимият талашиш, осуда ҳаёт бағрига тиғ уриш мухолифатнинг вазифасига мутлақо кирмайди. Ҳокимият учун уруш ўтини ёқиб, халқнинг тинчлигига путур етказиб, оройишли кунларни алғов-далғов қилиб майдонга чиқишни ҳам мухолифат ниқоби билан хаспўшлаш куракда турмайдиган бир гапдир. Жиртакилик қилиб, аюҳаннос солиб, босиқлик ва мулоҳаза сарҳадини бузиб ўтиш эвазига ҳеч бир мухолифат обрў топмаган. Қолаверса, қирғин-барот, уруш-жанжал туфайли ҳокимиятни эгаллаш, бугунги жараёнларда ўзини оқлай олмай қолди. Бугун бир инсон тақдири бани-башир тақдири билан боғланиб кетган. Бир давлат қисмати ҳам бутун дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатлик билан чамбарчас боғланганини эсдан чиқармаслигимиз керак. Инсоннинг, ер юзидаги жами Ватанларнинг яшнаши, гуркираши, ривожланишини тафаккур, ақлимиз нури билан амалга оширамиз. Демак, мухолифатми, бошқа бир тушунча измидаги гуруҳми энг аввало, тафаккур чироғининг шуъласи билан дилини равшан этмас экан, билингки ер юзида жаҳолат ваҳми чекинмайди. Барчамизга таҳдид солиб тураверади. Шундан хулоса чиқариб айтамизки, мухолифат дегани, олабўжи тимсолидаги ғаройиб ва мавҳум мазмунга эга эмас. Адолат ва эзгуликнинг куйчиси, бахтиқбол тантанасини исташ ҳар қандай мухолифатнинг мақсади бўлиши керак.

Мухолифат партия — адолатли жамият тарафдори. Адолатли жамиятда эса ҳеч кимнинг беҳудага бурни қонамайди. Ҳеч ким ҳеч кимга беҳудага зуғум ўтказмайди. Мухолифат жамиятга ҳамиша кўзгу тутади. Шу кўзгу орқали жамият ўз йўриғини тузатиб боради.

Илгари кунларни бир эслайлик. Демократияни пеш қилиб, жазавага тушиб ижтимоий вазиятни бузишга уринган «пешқадам»ларни бир кўз ўнгимизга келтирайлик. Улар ўша пайтлар мамлакат осойишталиги, иқтисодий фаровонлигидан ҳам кўра ўзларининг манфаатларини устун қўйдилар, нима қилиб бўлса-да халққа ҳукуматни ёмонотлиқ қилишга уриндилар. Миллионлаб кишиларнинг қисматини бу тахлит кимсаларга ишониб топшириб бўлмасди. Ўшаларнинг таъбири билан айтганда мухолифат дегани катта майдонларда оломонни йиғиб, жазавага миниб, жамият устига мағзава ағдариш билан машғул бўлса, бузғунчилик билан шуғулланса, нияти қандай йўл билан бўлса-да мансабни эгаллаб олиш бўлса, инсоният келажаги, юрт эртаси бу ўринда икки пулга қиммат бўлиб қолмайдими?

Халқимизга тинчлик керак. Биз чинаккам мухолифат нима, бузғунчилик нима, билиб олдик. Шу қисқа даврда кишиларимизнинг савияси юз карра юксалди. Одамлар кимга эргашишни яхши билади. Энди қуруқ вайсақилик қилувчиларга ҳам одамларнинг ўзлари нима деб жавоб қайтаришни яхши билади. Миллат орзу-умидларига терс қарагувчилар қўпорувчилардир. Истиқлолнинг душманларидир. Озодлик боғининг гуллаб-яшнаши учун бирикканлар, шу йўлда собит турғувчилар эса асл Ватанпарварлардир. Хуллас, бугуннинг ўзи мухолифат қандай бўлишлиги кераклигини кўзгудагидай аён қилиб турибди.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ



«Замонавий мулкдор»

қимматли қоғозлар бозорида банк маҳсулотининг янги турини тақдим этади

Энди қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни расмийлаштириш учун Тошкентга, биржага келиш шарт эмас. Барча ҳужжатларни яшаш жойидаги Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг яқин атрофдаги филиали ёки бўлимида расмийлаштириб, битимларнинг сифатли ижро этилажагидан хотиржам бўлишингиз мумкин.

Янги хизмат тури қуйидаги имкониятларни беради:

- *Қимматли қоғозлар олди-сотдисига операцияларда эркин қатнашиш;*
- *Қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишга доир маслаҳатлар олиш;*
- *Хоҳ биржа бозорида, хоҳ биржадан ташқари бозорда сотилаётган қимматли қоғозлар котировкаси тўғрисида тўлиқ маълумот олиш.*

Миллий банк қуйидагиларни кафолатлайди:

- *Қимматли қоғозларга доир битимларни ўз вақтида ва сифатли расмийлаштириш;*
- *Қимматли қоғозларга доир операцияларнинг хавфсизлиги ва ўз вақтида бажарилиши.*

NBU

Қўшимча маълумотлар учун Қимматли қоғозлар бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Алоқа учун телефон: 137-59-42

Ўзбекистон ва жаҳон

XXI аср — туризм асри бўлади

«Мен учун Ўзбекистонга келиш катта бахт, — дея сўз бошлади Гарбий Нью-Йорк меҳмонхонаси ассосиацияси президенти Теодор Холликвист Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда. — Туризмни ривожлантириш мамлакатни машҳур қилади. Ажойиб халқингиз ва ширин-шакар таомларингиз давлатингизнинг туризм соҳасида катта имкониятларга эга эканлигининг ёрқин мисолидир».

Шу ўринда бу соҳада АҚШ орттирган тажриба беқиёсдир. Бугунги кунда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан бирида туризм ўзининг кўламлари бўйича учинчи ўринда, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича иккинчи ўринда туради. Зеро, ўтган йили аҳолига хизмат кўрсатиш тармоғида 1094000 киши иш билан таъминланди. АҚШда «туризм—ҳамманинг бизнеси» деган жумла одатий ҳолга айланган. Картошка етиштирувчи фермер ёки қўл сочиқ ишлаб чиқарувчи саноат корхонасининг оддий ишчиси ҳам «Мен туризм учун ишлаяпман», дейди. Чунки, охир-оқибат ҳар иккисининг маҳсулоти ҳам туристлар томонидан истеъмол қилинади. Жаҳон миқёсида эса 1998 йил 655 миллион турист 439 миллиард доллар сарфлаган бўлса, 2000 йилда 668 миллион турист ташрифидан 621 миллиард доллар даромад кутилмоқда. Шу билан бирга, туризм соҳасида турли лавозимларда (кутиб олувчидан тортиб, бош менеджергача) 40 йилдан зиёд иш олиб борган Холликвист жаноблари республикамизда туризм соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш борасида қимматли маслаҳатлар берди. Ўқиш ва ўқитиш жараёнини янада такомиллаштириш учун ҳукумат, университет ва фирмалар уйғунлигига эришмоқ керак, яъни талабаларга билим беришда шу уч бўғин кенг ҳамкорлик қилиши лозим. Айниқса, талаба ёшларнинг фақатгина назарий билимлар билан чегараланиб қолмай, балки амалий ўқувларга эга бўлиши ҳам таъминланмоги зарур. Катта-катта китоблар қанчалик илмга бой бўлмасин, улар реал (ҳақиқий) ҳаёт кўникмаларини бера олмайди.

Холликвист жаноблари халқимизнинг меҳмондўстлигига юқори баҳо бериб, АҚШда бу фазилатга эга бўлиш йўриқномалари ўқув курсига киритилганлигини айтиб ўтди. Сотувчининг арзимас маҳсулотини олган тақдирингизда ҳам у сизга табассум қилиб: «Харидингиз учун раҳмат», — деб қўяди. Бундан сўнг эса ўзўзидан сизнинг кайфиятингиз чоғ бўлади. Харидингиздан мамнун бўласиз.

Мамлакатга туристларни қандай жалб қилиш мумкин? Бунинг асосий воситаларидан бири турли анжуманлар, кўргазмалар, фестиваллар ташкил этишдир.

АҚШда ёз ойларининг ҳар ҳафтасида турли фестиваллар бўлиб ўтади. Улар ўртасида эса қизғин рақобат, иложи борича кўпроқ туристларга эга бўлиш учун кураш кетади. Сиз ташриф буюрган туристларни 1-2 кун бўлса ҳам кўпроқ кунларга ушлаб қолсангиз, хурсанд бўлаверинг. Зеро, сиз қўшимча пул манбаига эга бўлдингиз. Бунинг учун эса туризм хизматини ривожлантириш, мижозингиз талабларига жавоб беришингиз зарур. АҚШлик мутахассиснинг фикрича, туристик хизмат кўрсатиш фирмаларида қуйидаги ҳислатлар бўлса, шу фирманинг келажаги порлоқдир. Булар — бирлик, профессионализм, ҳалоллик, тадбиркорлик, дўстлик ва журъат. Жаноб Холликвистнинг қатъий ишончига кўра, Ўзбекистон XXI асрда туризмда жаҳонда етакчи ўринларга чиқа олади. Фақатгина бор имкониятлардан оқилона фойдалана олишимиз керак.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бош тамойиллари аниқлаб олинган. Президентнинг истиқболга қаратилган, халқ хўжалигининг барча тармоқларини босқичма-босқич ривожлантиришга йўналтирилган изчил сиёсати, жумладан, туризм соҳасида ҳам ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. Негаки, халқаро туризм — асосий валюта тушумларининг манбаи, халқнинг маданий ва маърифий савиясини ўстирувчи восита ҳамда бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий механизми ҳисобланади.

Халқаро туризм Ўзбекистон халқ хўжалигининг нафақат энг истиқболли тармоқларидан бири, балки ялпи миллий маҳсулот ҳажми ўсишининг ва валютага тушумларининг асосий манбаи бўлиши мумкин. Мисол учун, Жаҳон туризм ташкилотининг маълумотига кўра, ҳар йили қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига фақатгина Европа мамлакатларидан ташриф буюриш ниятида юрган сайёҳлар сони 10 миллионга етиб қоляпти. Ҳамма гап туризм соҳасига малакали мутахассисларни тайёрлаш, юқори даражали меҳмонхоналар, ресторанлар қуриб, уларда хизмат кўрсатиш сифатини оширишга боғлиқ. Бу борада эса ўтган қисқа вақт мобайнида катта муваффақиятларга эришилди, дейиш мумкин. Бунга пойтахтимизда қад ростлаган «Интерконтиненталь», «Шератон», «Ле Меридиан» меҳмонхоналари ёрқин мисол.

Мамлакатимизнинг бой тарихий мероси — туристларни жалб этувчи асосий омиллардан биридир. Сайёрамизда эса бу каби ўтмиш ёдгорликлари кўп. Ўзбекистон эса мана шундай бой тарихий-маданий меросга, бетакрор ва гўзал табиатга эга ноёб мамлакатлардан саналади. Республикамиз ҳудудида турли даврлар билан боғлиқ 4000дан зиёд тарихий ёдгорликлар мавжуд. Фарғона водийси эса мамлакатимизнинг оппоқ қорлар билан бурканган баланд тоғлар ўраб турувчи энг жозибадор ҳудуди. Бу ерда чанғи спортини ривожлантириш имкониятини берувчи барча табиий шароит муҳайё.

Хуллас, Ўзбекистоннинг бугунги туристик имкониятларини ҳисобга олганда бу соҳада мавжуд бўлган улкан имкониятдан етарлича фойдаланилмаётгани маълум бўлади. Ўзбекистон учун бу соҳадага муаммони ечиш эса чўт эмас. Хорижий ёрдам — капитал ётқизиш зарур, холос. Ўзбек туризмининг бош вазифаси эса чет эл сармоясини имкон қадар кўпроқ жалб этишдир. Уларни Ўзбекистон сармоя қўйиш учун энг қулай ва энг ишончли ҳамкор эканлигига ишонтириш ва буни исботлаб бериш зарур. Қўшма корхоналар тузиб, ҳамкорликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва туристик дам олиш жойларини қуриб битказиш, мавжуд туристик масканларни замонавийлаштириш ҳамда қайта таъмирлаш учун дунё миқёсида хорижий сармояларни бевосита жалб қилиш туризм тараққиёти борасидаги сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хорижий сармоялар киритишнинг устувор йўналишларидан яна бири сифатида транспорт, телекоммуникация, ахборот хизмати кўрсатиш ва туристик сервисни ўз ичига олувчи замонавий туризм инфратузилмасини яратишдир. Ҳозирги кунда мазкур йўналишларда олиб борилаётган ишлар яқин йилларда ўз самарасини бериши, шубҳасиздир.

Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида ҳам катта салоҳиятга эга. Иссиқ қуёш тафтининг ойдин манзараси, нурли қор чўққилари, фусункор ва қулай табиат иқлими, тарихий мероснинг ранг-баранглиги, муқаддас қадамжолар қайси сайёҳни мафтун этмайди, дейсиз?

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк ипак йўлини қайта тиклаш ва республикада халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони республикада халқаро туризмнинг жаҳон андозалари даражасидаги замонавий инфратузилмаларини ишлаб чиқиш жараёнини тезлаштириш учун янги имкониятлар очади.

Дурбек ҲАКИМОВ,
ТДИУ халқаро туризм факультетининг талабаси

Қарзлар қачон тўланади?

Россия Федерацияси собиқ шўролар давлатининг меросхўри сифатида унинг қарзларини тўлаш мажбуриятини зиммасига олган. Бу қарзнинг умумий миқдори 32 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ бўлиб, Россия ҳукумати шу вақтгача уни тўлашдан бош тортиб келаётганди. Куни кеча Лондонда ўтказилган музокаралар давомида Россия томони қарзларнинг бир қисмини, шунда ҳам узоқ муддат вақт берилсагина, тўлаши мумкинлигини билдирди. Қарз берувчи давлатлар 13 миллиард АҚШ долларидан кечди. Қолган 19 миллиард доллар эса йигирма беш йилдан кейин қопланадиган қимматли қоғозларга айлантирилди.

Ҳамкорлик келишуви

Тбилисида Италия мудофаа вазири Карло Сконьямильо ва унинг грузиялик ҳамкасби Давид Тевсадзе 2000 йилда икки мамлакат қуролли кучлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишувни имзолади. Унга кўра, томонлар ҳамкорликда ҳарбий ўқув машқлари ўтказади. Бундан ташқари, ҳар икки мамалакатнинг ҳарбий полиция бўлинмалари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ҳақида ҳам келишиб олинди.

«Шафқатсиз» жазо

Толиблар маъмурияти БМТнинг жазо чоралари Афғонистон ижтимоий ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётганини тан олди. Шу муносабат билан «Толибон» ҳаракати вакиллари БМТга мурожаат қилиб, Дубайдан Кобул ва Қандаҳорга ҳафтасига уч маротаба самолёт қатнови ўтказишга рухсат беришни сўради. Бироқ, БМТ толиблар мурожаатига ҳали жавоб қайтаргани йўқ.

«Толибон» вакили жазо чоралари адолатсиз ва шафқатсиз эканини таъкидлади. Унинг айтишича, афғон халқи хориж билан алоқа қила олмаяпти, Форс кўрфазида ишлаётган афғонлар учун қайтиш йўллари ёпилган.

Портлатишлардан мақсад нима?

Покистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида автобусда кучи юз грамм тротил моддасига тенг бомба портлади. Натижада икки йўловчи ҳалок бўлди ва бир неча киши яраланди. Маълум бўлишича, йўловчилардан бири автобусда қолдириб кетилган ашёни ҳайдовчига бермоқчи бўлган. У террорчилар томонидан атай қолдириб кетилган бомба эди.

Ҳайдароботдаги фожиадан аввалроқ Ҳазилпур шаҳрида ҳам қаттиқ портлаш содир бўлган эди. Ўшанда ўн тўрт киши ҳалок бўлганди.

Портлашлардан бирини «Ан-Навоз» гуруҳи бўйнига олди. Улар собиқ Бош вазир Навоз Шариф тарафдорлари бўлиб, мамлакатда демократик бошқарув йўлга қўйилмагунга қадар террорчилик ҳаракатларини давом эттиражагини маълум қилган.

XX аср вабоси

Венгриялик шифокорлар дунёда ОИТС вирусини ташувчилар сони тобора ортиб бораётганидан жиддий ташвиш билдирди. Улар Халқаро ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан ўзларининг хориждаги ҳамкасбларини ушбу юқумли касаллик олдини олиш борасидаги тадбирларни янада фаоллаштиришга чақирди.

Маълумотларга қараганда, Венгрияда «XX аср вабоси» билан оғриганлар сони бошқа давлатларга қараганда анча кам. Ҳозир 800 киши шундай дардга чалинган. Уларнинг кўпчилиги пойтахт Будапештда яшайди. Сўнгги 12 йил ичида 200 киши ОИТСдан нобуд бўлган.

Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали

1999 йил 10, 15, 24 декабрь кунлари соат 10⁰⁰ да кимошди савдоларини ўтказади

Савдоларга қуйидагилар қўйилади:

Тошкент архитектура-қурилиш институтига қарашли
— ИЖ-21251 русумли а\м, **бошланғич баҳоси — 117 742 сўм**
«12-автобус саройи» ОТАЖга қарашли
— ГАЗ—2411 русумли а\м, **бошланғич баҳоси — 140 698 сўм**
— ГАЗ-2411 русумли а\м, **бошланғич баҳоси — 112 558 сўм**
«Пахтакор» хўжалик ҳисобидаги футбол клубига тегишли
— ИЖ—2715-01 русумли а\м, **бошланғич баҳоси — 84 009 сўм**
«Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказига тегишли
— УАЗ-3303 русумли а\м, **бошланғич баҳоси — 117 607 сўм**
Тошкент шаҳар Солиқ Бош бошқармаси томонидан тақдим қилинган:
— ИЖ—2715 русумли а\м, **бошланғич баҳоси — 35 000 сўм**
— Москвич—412 русумли а\м, **бошланғич баҳоси — 35 000 сўм**
— Яккасарой тумани, Баҳодир кўчасида жойлашган ғиштли гараж, **бошланғич баҳоси — 70 000 сўм.**

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, «Шарқ Гули» АЖ ёнида, А. Навоий номли Санъат саройи бекати. Тел.: 144-44-72, 144-44-73.

«Ўзсувқурилиш» концернига қарашли «Ўзирмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари

Металл маҳсулотлари, ёғоч арралаш дастгоҳлари, сув иситиш қозони, насослар тайёрлайди. Концерннинг ер суриш машиналарини таъмирловчи корхоналари барча вилоятларда самарали ишламоқда ва буюртмалар адо этади.

Концерн хорижий сармоядорларни корхонамизда қўшма корхоналар ташкил этишга ва 2000 йилдан бошлаб акциядорлик жамиятларининг 50 фоиз акциясини сотиб олишга таклиф қилади.

Сизларнинг таклифингизни кутамиз.

Манзил: Тошкент ш., Лутфий кўчаси, 14-уй.
Тел.: 78-48-45, Факс: 78-59-79

Яккасарой туманидаги «Юртдош» Ўзбек-Саудия қўшма корхонаси иш фаолиятини

ТУГАТАДИ

Даъволар бир ой ичида қабул қилинади. Тел: 53-56-13

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти жамоаси ўзбек адабиёти бўлими мудири Жонибек Сувонқуловга акаси

Тўрабек СУВОНҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Чапдаст чавандозлар бордир бу элда

халқаро кўпкари мусобақаси ғолиблари аниқланди

Кўҳна ва қадим Кармана узоқ ўтмиши, қолаверса асрларга елкадошлиги билан ажралиб туради. Тарихий обидалари, ўзига хос ёдгорликлари билан Бухоро ва Самарқанддан, Хива ва Қўқондан асло қолишмайдиган Кармана истиқлол туфайли қайта кўз очди. Юртбошимиз ташаббуси-ю раҳнамолиги билан бу маскан ҳам тарихан қайта тикланди. Энг муҳими бу кенжа вилоятда Кармана туманининг ташкил топганидир. Ҳа, шўролар даврида емирилган, шарқона услубдаги асори-атиқалар тупроққа қоришган бу гўшада ҳам адолат яна қарор топди. Буни шубҳасиз мустақиллик меваси дейиш мумкин. Президентимиз назарига тушган Кармана эндиликда ўз нуфузига, ўз кўркига эга бўлди. Замонавий мактаблар, коллеж ва академик лицейлар қуриб ишга туширилди. Қатор маданий-маиший бинолар, кўркам ҳиёбонлар ташкил этилди. Энг қувончлиси «Буюк ипак йўли»нинг қоқ белида бўлган Работи Малик, Сардоба, Қосим шайх сингари тарихий обидалар асл ҳолидек шарқона услубда таъмирланаётганидир. Бу ўринда бўлажак Исломобод шаҳарчаси қурилишини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Работи Малик қадимий Сардоба ҳовузига туташ тарзда қурилажак бу агрошаҳарча келажакда Кармана ҳуснига янада ҳусн қўшиши муқаррар.

Худди шу сарҳадда, асрий Қизилқум кенглиги ва Маликчўл даштида ўтказилган халқаро улоқ, анъанавий от спорти кўҳна Карманани яна тетапоя бўлиб, қадимдаги каби жаҳонга машҳур бўлаётганини кўрсатади. Ўттан дам олиш кунлари ўз даврида соҳибқирон Амир Темур от солган Сардоба оралиғида, жаҳонгир-саркарда уловини боғлаган Работи Малик карвонсаройи яқинида нуфузли халқаро кўпкари — чавандозлик сайили ўтказилди. Бу каби халқаро мусобақани ўтказишдан асосий мақсад бир пайтлар ягона уловимиз, карвонимиз, оғирни енгил қилувчи восита бўлган ўзбекнинг чопқир улоқчи отларини дунёга машҳур қилиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурдек яловбардор, от кишнатиб, узангига оёқ тираб ёвни титратган Туркистон ўғлонларининг руҳларини шод этишдан иборат.

Дарҳақиқат тарих битикларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган «Ғиркўк», «Қорасаман», «Қорабайр», «Ғирот», «Кўктўриқ» каби учқур зотдор отлардан деярли қолмаган. Ғўрўғли, Алпомиш, Манас ва Тўмарислар минган туёғидан ўт чақнаган, ёли ва яғринида уч-тўртта афсонавий қаҳрамонларни елкалаган отлардан-ку дарак йўқ. Ҳа, қизил империя, тоталитар тузум бизни динимиз, иймонимиз, анъана ва қадриятларимиз каби яшиндек учқур тулпорларимиздан ҳам айирди.

Ота-боболар ўгити ва удумидан яхши биламизки, от энг яқин дўст ва ҳамкордир. Ўтмишда не-не пайғамбарларни, не-не жаҳонгир саркардаларни эгарида олиб борган, ўт ва сувга, жангу жадалга тик кирган ҳам худди шу учқур отлардир. Отларнинг содиқлиги рамзи сифатида ҳали-ҳалигача Ўрта осиёликлар, жумладан ўзбеклар тақасини остонасига қоқиб, ёлини эса уй тўрига осиб қўйишади. Ўтмишда отсиз эрни, тулпорсиз йигитни жасур, қаҳрамон ҳисоблашмаган. Хуллас йилқисиз йигит тиғсиз жангчи, уловсиз йўловчининг ўзгинаси. Шундай экан, бугуннинг бирдан-бир вазифаси асил ҳолидаги қадимги отлар турини яратиш ва айтарли унутилаётган қадриятларни, урф-одат ва анъаналарни қайтадан тиклашдан иборат. Шу ва шунга ўхшаш йўл тутилмаса республикада йилқичилик йиқилиши, қадимги анъанавий от ўйинлари — «Кўпкари-улоқ», «Қиз қувди» каби ўтмишдош чавандозлардан мерос анъаналар йўқолиб кетиши шубҳасиз. Худди ана шундан келиб чиқиб «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталари, республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан ҳамкорликда доимий равишда от спорти мусобақаларини, жумладан оммавий тарздаги кўпкари-улоқ беллашувларини ўтказиб келаяпти. Бунга мисол қилиб, Хатирчи тумани отчопаридаги ҳамда ўтган йил Челак туманида ўтказилган от спорти мусобақаларини кўрсатиш мумкин. Бу йил эса Навоийда бу каби тадбирга астойдил бел боғланди. Бунга сабаб юқорида эслатганимиздек, янги вилоят сарҳади, худуди бу каби от ўйинларига ўта хос ва мослигидадир. Атайин Исломободни, Работи Маликни танлангани эса қадимда худди шу заминдан Ипак йўли ўтгани ва энг йирик карвон сарой қад ростлаганидир. Бу ердаги йирик карвон саройда юзлаб отлар паноҳ топган бўлса, шу ердаги Сардобадан ҳам сарбон, ҳам карвонлар ўз чанқоғини қондиришган. Ўтмишдошлар ҳақ-ҳурмати, руҳи-поки ўлароқ нене асрлар ўтиб, худди шу назарда жой халқаро мусобақага, улоқ байрамига танланди. Мусобақани халқаро дейишимизда ҳам ажиб маъно бор. Унда Ўрта Осиёдан — уч мамлакат Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон чавандозлари иштирок этишди. Мусобқаларда, яланг майдондаги улоқ «талашиш»да эса фақат ўзбек ва қирғиз чапдаст чавандозлари қатнашди.

Икки кун давом этган мусобақалар шуни кўрсатдики, мустақилликка пешвоз она юртимизда ҳали Алпомишга, Ғўрўғлига хос «Ғиркўк», «Сариқсаман»лар хаддан кўп экан. Айниқса, Қорақалпоғистон, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё отлари, Навоий, Нурота, Хатирчининг «кўк тулпор»лари қарийб 350 минтга яқин томошабинни лол қолдирди. Кузнинг қиш ойи, бунинг устига ёмғир шивалаб турсада от спорти ишқибозлари, меҳмону мезбонлардан отчопар ниҳоятда гавжумлашди. Зеро, бугунги отчопарнинг одамлар билан бу қадар тирбанд бўлишига яна бир сабаб вилоят пахтакорларининг «Ҳосил тўй»лари ҳам халқаро мусобақага уйғунлашиб кетганидан. Халқаро улоқ мусобақасига асосий ҳомий бўлган вилоят ҳокимлиги ташкилий-таркибий ишларга бош-қош бўлди.

Халқаро мусобақа бошланишига бағишланган кўп кишилик йиғинни вилоят ҳокими Ғ. Дилов очиб, юртбошимизнинг Ўзбекистон спорти ривожига алоҳида эътибор бераётганларини юксак баҳолади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ўтказилган жаҳон андозаси даражасидаги теннис, кураш халқаро мусобақаларига Президентимизнинг шахсан ўзлари бош-қош бўлганликларини алоҳида эътироф этди. Зеро, бугунги кунда республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Ўзбекистон овози» рўзномаси раҳбарияти бу тадбирни спорт тури сифатида олимпиада ўйинларига киритиш истагида яловбардорлик қилишмоқда. Боиси, юртбошимиз таъбири билан айтганда улоқ ҳам кураш каби халқаро мақом олиб, жаҳоний оммавийлик касб этишига эришишдир. Шунинг учун ҳам бу ўйин, бу мусобақа аввал республика миқёсида ўтказилган бўлса энди халқаро тус олди.

Шунингдек, мусобақанинг очилиш маросимида сўзлаган республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шавкат Тўлаганов, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталари бош муҳаррири Азим Суюн, Қирғизистон Республикаси кўпкари ва от спорти федерацияси президенти Болотбек Шерниязов, таниқли ёзувчилар — Неъмат Аминов, Ойдин Ҳожиева, Самарқанд давлат университети проректори Бекмурод Нормуродов, Навбаҳор тумани «Нуроний» жамғармаси раиси Ҳамро Пўлатов ҳам бугунги от спортининг халқаро аҳамияти ортаётганини, улоқнинг йигитлар жисмоний чиниқишида, чаққонлиги ва довюраклигида қўл келажагини алоҳида уқтиришди.

— Мана, Тўмарис, Алпомишлардан бизга мерос бўлган от ўйинлари, мусобақалари нафақат чаққонлик, чапдастлик, жасурлик учун балки халқаро дўстлик, биродарлик учун хизмат қилиши аниқ, — дейди қирғизистонлик от спорти устаси, академик Б. Шерниязов. — Республикамизда кўпкари, бизнинг тилда эса кўкбўри ниҳоятда ривожланган. Худди шу турнинг ўзи билан Қирғизистонда 440 та жамоа шуғулланади. Улар иштирокида ҳар йили икки марта республика биринчилиги ўтказилади. Ишонаманки, Ўзбекистонда ҳам бу хайрли ишга катта тадбиркорлик билан қўл урилди.

... Вилоятдаги «Фарҳод», «Ширин», «Наврўз» маданият саройларининг ашула ва рақс дасталари, яккахон хонандалари ижросида концерт дастури намойиш этилди. Шундан сўнг улоқ мусобақаларининг биринчи кунги режаси асосидаги мусобақалар бошланди. Дастлаб мусобақалар қонун-қоидаси хусусида қисқача изоҳ берадиган бўлсак, чавандозлар биринчи куни эни 80 метр, узунлиги эса 150 метр бўлган ва икки томонда улоқ ташлаш бурчаклари бўлган отчопарда от қувишди. Ҳар тайми 20 минутдан бўлган мусобақада қирғизистонлик меҳмонлар самарқандликлар билан, Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса навоийликлар билан майдонга чиқишди. Отчопарда ўзига хос чиройли ўйинлар кўрсатган қирғизлар самарқандликларни 7:0, майдон эгалари — навоийликлар эса Ўзбекистон миллий жамоасини 4:1 ҳисобида енгишди.

Мусобақаларнинг иккинчи куни финалга йўлланма олган қирғизистонлик чавандозлар билан навоийликлар куч синашишди. Улоқ талашган чавандозлар узангига оёқ тираб, юганга энгашиб, улоқни тақимга олиб, бор маҳорат ва тажрибаларини ишга солишди. Майдон эгалари «меҳмон отангдек улуғ» қабилида иш тутишдими, мағлубиятни тан олиб қўя қолишди. Натижада мусобақанинг бош соврини «Тико» енгил автомобили қирғиз чавандози Маҳаммад Кочкиевга насиб этди. Совринли 2-3-ўринларни Навоий вилояти ва Ўзбекистон миллий терма командалари эгаллашди.

— Халқаро тус олаётган от мусобақалари, аниқроғи улоқ ҳадемай қитъаларо кириб бориши аниқ, — дейди Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шавкат Тўлаганов халқаро биллур кубогини қирғизистонлик чавандозлар вакилига топшираркан, — жаҳон миқёсидаги от спорти ўйинларида, улоқ-кўпкари мусобақаларида қайси мамлакат чавандозлари уч карра ғолиб келса, бу кубокка доимий эгалик қилишади.

Дарвоқе, мана шу каби халқаро, жаҳон андозалари даражасидаги биллур кубокнинг атайин от спорти, улоқ учун республика спорт қўмитаси томонидан илк бора ташкил этилгани ҳам баҳснинг бу турини яқин йилларда жаҳоний мақом касб этишидан нишонадир.

Чапдаст чавандозлари от чоптирган юртда осойишталик, тинчлик ҳукмронлиги ҳаммага аён. Республикамиз узра сиёсий воқеа — ҳам Олий Мажлис, ҳам республика Президенти сайловлари арафасида ўтказилган кўпкари-улоқ қардош элларда шубҳасиз истиқлол ва истиқбол учун хизмат қилиши муқаррар!

Музаффар ШАРОПОВ,
Ислом ҲАМРО.

Суратларда: халқаро кўпкари мусобақаларидан лавҳалар. Абдулғани ЖУМА олган суратлар

«Улоқ» жаҳоний маъно касб этмоқда

Мамлакатимизда ўзликни англаш, қадриятларни тиклаш самараси ўлароқ қадимий халқ ўйинларига эътибор ҳам ортди. Хусусан, курашга халқаро мақом берилиши, уни жаҳоний эътироф этилиши муҳим воқеалардан бирига айланди. Энди эса халқ ўртасида энг серзавқ ўйинлардан саналган «Улоқ» мусобақасини ҳам спорт турига айлантириш ва уни ҳам янги аср спорти даражасига етказиш йўлида саъй-ҳаракат қилинмоқда. Гап шундаки, бу йилдан бошлаб «Улоқ» спорт тури сифатида эътироф этилди ва у республика от спорти федерацияси тасарруфига олинди. Бундан буён Ўрта Осиёда кенг тарқалган «Сочма», «Кўкбўри», «Чорток», «Пойга» каби бахслардан «Улоқ» айрича фарқланадиган бўлади. «Улоқ» чопиш илгаригидек оломонсифат, яъни бир жамоага бирлашмаган ҳолда ҳар ким ўзича ўлжани олиб қочишга уриниши-ю, майдон сатҳининг ноаниқлиги, ҳеч бир қоидага риоя қилинмаслиги, охир-оқибатда турли нохушликларнинг келиб чиқиши каби ёқимсиз манзараларга барҳам бериладиган бўлди.

«Кўпкари-улоқ» мусобақасини янгича қоида ва низомга мувофиқ ташкиллаштириш мақсадида мутахассислар жалб қилинди. Бир сўз билан айтганда улоқ ўзига хос маданий такомил ва мазмунга эга бўлди. Энди улоқчилар маълум жамоаларга бирлашади. Отчопар майдони аниқ бўлиб, 12000 метр² ҳисобида белгиланади. Худди футболдаги каби ярим финал ва финал ўйинлари учун 20 дақиқадан 2 таймли бахслар уюштирилади. Жамоада эса 15 нафардан улоқчи бўлиб, уларнинг 10 нафари асосий ўйинчи, қолгани заҳирадагиси ҳисобланади. Мусобақа бошланганидан кейин улоқчилар ўлжани майдон ўртасидан олиб, ўз дарбозаларига олиб бориб ташлайдилар. Бунинг уддасидан чиққан томонга бир очко ёзилади. Борди-ю улоқчи майдон чизиғидан ўтиб кетса ҳакам ҳуштаки янграб мусобақа тўхтатилади. Кейин улоқ яна майдон марказига келтирилиб, баҳс қайтадан бошланади. Бунинг учун бор йўғи 5-10 сония сарфланади. «Улоқ» қоидасига кўра, чавандоз ўз отини рақиб олдига кўндаланг қўйса ёки атайлаб отини жиловласа қоида бузилган ҳисобланиб огоҳлантирилади. Бундай қоида бузарлик икки мартага етса, улоқчини мусобақадан четлаштириш билан жазоланади.

«Улоқ»ни янгича тартибда ўтказилишининг ҳосияти шундаки, мусобақалар бундан буён туман ва вилоятларда дастлабки босқич ҳисобида ташкиллаштирилиши ва бу билан кучлилар саралонишига имкон топилади. Муҳими «Улоқ»нинг оммавийлашига йўл очилади. Республика биринчилиги эса ҳар икки йилда бир марта уюштирилади. Халқ ўйини ҳисобланиб келган бурунги тартибдаги «Кўпкари» бахслари эса тўйлар, сайиллар ва баъзи байрамларда миллий ифтихор сифатида ўтказилаверади. Хуллас, «Улоқ»ни янгича қоида ва низомга мувофиқ ўтказишга қарор қилингани ёшларимизнинг жисмоний камолотини янада оширишда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши табиий. Ким билади дейсиз, янги асрда »Улоқ» ҳам жаҳоний маъно касб этиб, чавандозларимиз бир гал Мексикага, кейин Африкага бориб юришса не ажаб.

Ўткир ПЎЛАТОВ,
республика миқёсидаги ҳакам

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Равшан ШОДИЕВ,
навбатчи
Шуҳрат ТЎПАЕВ.

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматда, 16.512 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0985

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.10
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА